



Ислом Нури

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтани (Ҳаввони) вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Парвардигорингиздан кўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан кўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билан ажралиб кетишдан сақланингиз)!» (Нисо: 1).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан кўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улў бахтга эришибди» (Аҳзоб: 70-71).

Никоҳ ақдининг рукнлари учта:

Биринчи рукн: Никоҳнинг яроқлилигини тўсадиган монёлардан холи бўлган эр ва хотиннинг мавжуд бўлиши. Яъни, масалан, аёл киши бу эркакка насаб, эмикдошлик, идда ё бошқа сабаблар билан никоҳланиши ҳаром бўлган аёллардан бўлмаслиги, шунингдек эркак киши кофир, аёл эса мусулмон бўлган ҳолат ва шу каби шаръий монёлар бўлмаслиги.

Иккинчи рукн: Ийжоб ҳосил бўлиши. Яъни, аёлнинг валийсидан ёки



Ислом Нури

валий ўрнидаги одамдан эркакка: «Мен сенга фалончихонни хотинликка бердим ёки сени унга никоҳладим» деган лафз айтилиши.

Учинчи рукн: Қабул ҳосил бўлиши. Яъни, эр ёки унинг вакили «Бу никоҳни қабул қилдим» деган лафзни айтиши.

Шайхулислом Ибн Таймия ва шогирдлари Ибнул Қаййим раҳимаҳумаллоҳ ихтиёр қилган фикрга кўра, никоҳга далолат қиладиган ҳар қандай лафз билан никоҳ боғланади, фақат «хотинликка бериш» ё «никоҳлаш» лафзларига чекланмайди (Ал-қоваъидун-нурония: 107-б, Иъламул-муваққиъийн: 2/24).

Никоҳни юқоридаги лафзларга чеклаган кишилар фикрига кўра, шу икки лафз Қуръонда келган. Аллоҳ таоло айтади: **«Бас, қачонки Зайд ундан (яъни Зайнабдан) хожатини адо қилгач (яъни уни талоқ қилгач), Биз сизни унга уйлантирдик»** (Аҳзоб: 37), **«Оталарингиз уйланган хотинларни никоҳингизга олманг!»** (Нисо: 22).

Лекин, воқеъда бу фақат шу икки лафзга чеклашни англатмайди, валлоҳу аълам.

Соқов кишининг никоҳи ёзув орқали ёки тушунарли ишора билан амалга ошади.

Ийжоб ва қабул ҳосил бўлса, гарчи бу лафзни айтувчи киши ҳазиллашиб айтган ва унинг ҳақиқий маъносини қасд қилмаган бўлса ҳам, никоҳ ақди боғланган бўлади. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уч нарсанинг – талоқ, никоҳ ва ражъа (талоқ қилган аёлини қайтариб олиш)нинг жиддийси ҳам жиддий, ҳазили ҳам жиддий», деганлар (Абу Довуд (2194), Термизий (1148) ва Ибн Можа



Ислом Нури

(2039) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Никоҳнинг саҳиҳ бўлиши шартлари тўртта:

Биринчи шарт: Эр-хотиннинг иккаласи ҳам аниқ тайин қилинган бўлиши. Бир неча қизи бор одам: «Сенга қизимни хотинлика бердим» дейиши ёки бир неча ўғли бор одамга: «Ўғлингга қизимни бердим» дейиши кифоя қилмайди. Тайин қилиш уйланувчига ишора қилиш ё унинг номини айтиш ё бошқалардан ажралиб турадиган бирон сифатини айтиш билан ҳосил бўлади.

Иккинчи шарт: Эр ҳам, хотин ҳам никоҳга розилик бериши. Иккаласини ё биттасини мажбурлаш билан никоҳ саҳиҳ бўлмайди. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда келганки: «Жувон (аввал турмуш кўрган аёл) ўзи билан маслаҳат қилинмагунча, бокира қизни эса унинг изни-розилиги олинмагунча турмушга берилмайди» (Бухорий (5136) ва Муслим (119) ривоятлари). Фақат ҳали балоғатга етмаган норасидани ва ақли норасони валийси унинг изнисиз ҳам никоҳлаши мумкин.

Учинчи шарт: Аёл кишига валийси ақд боғлаши. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Валийсиз никоҳ йўқдир», деганлар (Абу Довуд (2085), Термизий (1101), Ибн Можа (1881), Аҳмад (4/394, №19518) Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар). Аёл киши валийсиз ўзини турмушга берса, унинг никоҳи ботилдир. Чунки, бу зинога зарийа-восита бўлади. Қолаверса, аёл киши одатда узоқни кўра билмагани боис ўзи учун яхшироқ эр танлашда хатога йўл қўяди. Аллоҳ таоло никоҳ хусусида валийларга хитоб қилди: «**Ўз ораларингиздаги тул-беваларни ҳамда қул ва чўриларингизни яхшиларини уйлантиринглар**» (Нур: 32), «**Қачон**



Ислом Нури

хотинларингизни талоқ қилсангизлар ва уларнинг идда муддатлари битиб қолса, бас, (эй ота-оналар) уларни ўзаро яхшилик билан келишишган бўлсалар, эрларига қайта никоҳланишдан тўсманг!» (Бақара: 232) ва бошқа оятлар.

Аёл кишининг валийси унинг отаси, ундан сўнг отаси тарафидан унга васий қилинган шахс, сўнг ота томонидан бобоси, ҳар қанча юқориласа ҳам, сўнг ўғли, сўнг ўғлининг ўғиллари, ҳар қанча қуйига кетсалар ҳам, сўнг туғишган акаси (укаси), сўнг ота томонидан акаси (укаси), сўнг уларнинг ўғиллари, сўнг ота-она бир амакиси, сўнг ота бир амакиси, сўнг уларнинг ўғиллари, ундан сўнг насаб жиҳатидан энг яқин асабаси, сўнг озод қилувчиси, сўнг ҳокимдир.

Тўртинчи шарт: Никоҳ ақдига гувоҳлар ҳозир бўлиши. Жобир розияллоҳу анҳудан марфуъан ривоят қилинган ҳадисда айтилишича: «Валийсиз ва иккита адолатли гувоҳларсиз никоҳ йўқдир». Демак, иккита адолатли гувоҳ бўлмаса, саҳиҳ бўлмайди.

Имом Термизий айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳоблари ва улардан кейинги тобеинлар ва бошқалардан бўлган аҳли илмлар наздида амал шунгадир. Улар: «Гувоҳларсиз никоҳ йўқ» деганлар ва бунга ўтганлардан ҳеч ким хилоф қилмаган, фақат кейинги даврдаги аҳли илмлардан бир жамоаси ихтилоф қилдилар» (Сунанут-Термизий: 3/411).